



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

# БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

## МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ



БУХОРО-2020



## ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ КЎТАРИШДА МАДРАСАЛАРНИНГ РОЛИ

*Бобожонова Феруза Хаятовна,*

*БухДУ Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.*

Бухорода туризм салоҳиятини кўтаришда мадрасаларнинг роли жуда каттадир. Бухоро мадрасалари ислом оламидаги энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бўлиб, уларда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги фикрлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг фикрларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган. XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро мадрасаларининг ислом дунёсидаги мавқеи ва нуфузи маълум даражада сақланиб, жамият тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, ўша вақтда давлатнинг ҳукмрон сиёсати ва ислом таълимотига хизмат қилган.

Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморий ёдгорлик обидалари ҳам эди. Мадрасалар қурилишига ҳукмдорлар катта эътибор қаратган. Мадрасаларнинг аксарияти холис хусусий мулк ҳисобидан барпо этилиши шарт бўлиб, ҳукмдор бўлган хон ва амирлар томонидан кўплаб ҳашаматли мадрасалар бино этилган. Бундан ташқари йирик амалдорлар, нуфузли кишилар, сармоядор кишиларнинг ташаббуси билан мадрасаларни қуриш ва таъмирлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Бухоро мадрасалари ўз ҳашамати, пишиқ ва пухта қурилганлиги билан меъморий жиҳатидан ўрта аср архитектурасининг энг нодир намуналари сифатида ҳозиргача сақланиб қолган.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири – бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 300 дан ортиқ мадрасалар маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Энг яхшисига интилиш инсониятни ривожлантиришга, янги технологияларни ихтиро қилишга ва мавжудларини яхшилашга мажбур қилади. Тараққиёт доимо силжийди, ҳар йили янги, ажойиб ихтиролар мавжуд бўлиб, улар нафақат кундалик ҳаётни соддалаштиради, балки тарихий жараёнларни ҳис этишни сезиларли даражада яхшилайти. Замонавий дунёнинг энг ривожланаётган соҳаларидан бири бу 3Д технологиясидир.

3Д моделлаштириш - бу объектнинг уч ўлчовли моделини яратиш жараёни. Уч ўлчовли моделлаштиришнинг мақсади сизга керак бўлган объектнинг визуал уч ўлчовли тасвирини яратишдир. Бу сизга маълум элементларнинг аниқ нусхаларини яратишга, шунингдек янгиларини яратишга имкон беради.

Замонавий 3D технологиялари деярли чегаралари бўлмаган одамлар учун янги имкониятларни очади. Бугунги кунда деярли ҳар қандай маҳсулотни чоп этишингиз ва ундан тўлиқ фойдаланишингиз мумкин. Бир вақтнинг ўзида турли хил материаллар ёрдамида босиб чиқариш мумкин.

Аслида, 3D моделлаштириш ҳозирги замонимиздаги жамиятда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунга келиб 3D моделлаштириш киноматография ва бошқа соҳаларда кенг қўлланиб келмоқда. 3D моделлаштириш келажакда мадраса биноларини ўша давр муҳитини яратиш ёки мадрасалар тўғрисида презентациясини ўтказиш жараёнида муҳим рол ўйнайди. 3D печатнинг яратилиши туфайли 3D моделлаштириш яна бир поғона олдинга силжиди ва ҳозирги жамиятда янада талаб қилинадиган соҳага айланди. Эндиликда ҳар бир инсон ўзи чизган расми ёки интернетдан кўчириб олган расм объекти бўладими, дизайнер модел ёки тарихий кинонинг персанажи бўладими 3D принтерда печат қилиш имкониятига эга. Албатта, 3D программада ишлашни ва моделлаштиришни ҳамма ҳам тушунавермайди. Шу сабабли 3D моделлаштириш соҳасида касбга талаб кучайди ва 10 йил давомида ўсиб борди.

Янги мингйиллик бошидан буён "3D" тушунчаси бизнинг кундалик ҳаётимизга кириб борди. Аввало, биз буни кино, фотография ёки аниматция билан боғлаймиз. Ҳаётида ҳеч бўлмаганда бир марта 3D босиб чиқариш каби янгиликни эшитмаган одам деярли учрамайди.

Яқин келажакда бундай технологиялар ҳаётни тежашга, шунингдек мадрасаларни ўша давр муҳитини кўрсата олиш имконини беради.

Бундан ташқари, 3D технологияси унутилмас таассурот қолдириб, ўша давр муҳитидан баҳраманд бўлиш имкониятини беради. Уч ўлчовли дунё - бу тез ривожланаётган ва бугунги кунда мавжуд бўлган келажак дунёси.

3D кино ҳақиқий тасвир эффекти яратиш учун иккита тасвирни бирлаштириш орқали амалга оширилади. Ва махсус 3D кўзойнак орқали фойдаланувчилар фильмни томоша қилишда чуқур туйғуга эга бўлишлари мумкин. 3D технологияси яхшиланганлиги сабабли, 4D фильмлари пайдо бўлди. 3D-фильмлар билан солиштирадиган бўлсак, фақатгина 4D-фильмлар фильмнинг томошабинларига кўра, тутун, сув сепиш бошқалар каби эффектларни яратади, ҳис қилиш ва кўриш каби турли жиҳатлардир.

Президентимиз Республиканинг қайси вилояти ёки ҳудудига бормасин, албатта, у ердаги улуғ алломаларимизнинг қадамжолари ва мадрасаларга ташриф буюрганида, уларни обод қилиш, сайёҳатчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича керакли кўрсатмалар бермоқда. Шавкат Мирзиёев мадрасаларни обод қилиш зарурлигини

таъкидлади. Шунингдек, Президентимиз: “Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукаммал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз – ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин”, – дея таъкидлади. Фахрлансак арзийдиган кўплаб тарихий обидаларимиз бор. Ҳозирда бой илмий меросимизни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатлар замирида ҳам – мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, мадрасаларни обод қилиш, мадрасаларда мавжуд бўлган асарларидаги инсонпарварлик, эзгулик, бағрикенглик ғояларини аҳоли, хусусан ёшларга етказиш масаласи ётибди. Бу эзгу ташаббуслар халқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти - ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистоннинг зиёрат маркази ҳисобланган Бухорода ҳам зиёрат туризмни ривожлантириш, зиёратгоҳлар ва мадрасаларларнинг йўналишини кенгайтириш борасида аниқ чора – тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда туризм ривожлантириш, ички туризмни оммалаштириш борасида узоқ кўзланган стратегиялар амалга оширилмоқда. Муҳими, бу дастурларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Демак, юртимиз дунё сайёҳлик дарвозасига айланиши муқаррар. Бухоро ҳам зиёрат остонаси сифатида дунё элларини ўзига чорлайверади.

Президентимиз 2019 йилнинг 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига ташриф буюриб, сайёҳлик, зиёрат туризми шу жумладан мадрасаларни обод қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди. 2020 йилда Бухоронинг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши, шу муносабат билан санага юксак даражада тайёргарлик кўриш, халқаро илмий конференция ўтказиш бўйича кўрсатмалар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда туризм ривожлантириш, ички туризмни оммалаштириш борасида узоқ кўзланган стратегиялар амалга оширилмоқда. Муҳими, бу дастурларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Демак, юртимиз дунё сайёҳлик дарвозасига айланиши муқаррар. Бухоро ҳам зиёрат остонаси сифатида дунё элларини ўзига чорлайверади.

Сайёҳлар Бухорои Шарифда ташриф буюрганларида мадрасаларда саёҳат қилганларида мадрасаларга фақат қадимий иншоот сифатида эмас, балки мадрасаларда кирганда ўша давр муҳитини ҳис этиши керак.

Мадрасаларда кирганда ўша давр муҳитини 3D форматда фильмнинг намоиши этиши, мадрасаларнинг қурилиши, мадрасалардаги таҳсил олган талабаларнинг

50.	Ҳайитов Ш.А. Бухоро шаҳрини инновацион ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари	194
51.	Ҳайдаров Ў.А. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришда инновацион ривожланишни такомиллаштириш йўллари	199
52.	Намроёев К.Қ. Таълим тизимини ислоҳ этишда инновацион таълимнинг ўрни	202
53.	Шамсиев А.М., Юсупов Ш.А., Давлатов С.С. Современные инновационные технологии в медицине	205
54.	Эрназаров О.Э. Теоретические аспекты влияния инвестиций и инноваций на экономической рост	209
55.	Гаппарова М. Бўлажак педагогларга инновацион бошқарув маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш омиллари	214
56.	Abdullayev Y.Z. XXI asrda ilm-fan taraqqiyotining rivojlanish istiqbollari va ularda innovatsiyalarning tutgan o'rnı.	217
57.	Нигматуллаева Г.Н. Прогнозирование региональной инновационной системы	220
<b>II ШЎББА</b>		
<b>БУХОРО ВИЛОЯТИ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САЙЁҲЛИК (ТУРИЗМ) БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИҲАТЛАРИ</b>		
58.	Ахмедова С.А., Авезханов Э. Профессиональные умения и навыки специалиста по оздоровительному туризму	225
59.	Амиров А. Жаҳон туристик бозорида агротуризмнинг роли ва ўзбекистонда ривожлантириш йўллари	226
60.	Асқарова Ш. Инновацион ривожланишда такрор ва унинг турли тизимли тилларидаги аҳамияти	233
61.	Akhrova N. Motivations for travelling in youth tourism.	236
62.	Аширова Э. Анализ современного состояния туристической отрасли в японии	239
63.	Ашуров Ш.С. Economical and touristical bases of innovative development in bukhara region	243
64.	Бекжанов Д.Й. Туристик дестинацияни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	246
65.	Бобожонов. Ш.У. Бухорода зиёрат туризми имкониятлари	250
66.	Бобожонова Ф.Х. Туризм салоҳиятини кўтаришда мадрасаларнинг роли	253
67.	Болтаев Б., Бахтиёров Б. Замонавий инновацияларнинг музей соҳасини ривожлантиришдаги ўрни	256
68.	Ғайбуллоев Б. Бухоро вилоят мусиқали драма театрининг вилоятни иқтисодий ривожлантириш ва сайёҳларни жалб этишдаги роли	259
69.	Juraqulova S.B. O'zbekiston innovatsion taraqqiyot yo'lida iqtisodiyot va turizm sohasinining bugungi istiqbollari.	262
70.	Yo'ldoshev Q. Bolalarda vatan tuyg'usini shakllantirishda oilaviy turizmni o'rnı.	266
71.	Комилжанов Ш.И. Проблемы развития делового туризма в республике узбекистан (на примеры область Бухара)	269